Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 15 ИЮЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (13.204)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Оқид Ғуломов олган сурат

Ягонасан, муқаддас Ватан!

ВАТАН МАДҲИ ЁШЛАР ИЖРОСИДА

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг олий ўқув масканлари ўртасидаги босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган мазкур танловда унинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган ижодий жамоалар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Ҳ.Раҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, юрт тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Ягонасан, муқаддас Ватан!" танловининг олий таълим даргоҳлари ўртасидаги босқичи ҳам кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтди. Илк босқич факультетлараро ўтказилиб, унда 420 дан ортиқ жамоа таркибида 9150 дан зиёд талаба-ёш иштирок этди.

– Ватан ҳақида қўшиқ куйлаш ижрочидан катта масъулият, жиддий ёндашувни талаб этади, – дейди ЎзА мухбирига Қарши давлат университети талабаси Малика Ҳамроева. – Бу танловга тайёргарлик жараёнида бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, кун сайин чирой очиб бораётган Ватанимизнинг қадрига етиш, қалбда мудом шукроналик, садоқат, туғилиб ўсган диёримизга муносиблик туйғуси билан яшаш чин фарзандлик бурчимиз эканини яна бир карра англадик.

Танловда қўшиқларнинг матни, ижро маҳорати, саҳна маданиятига асосий эътибор қаратилди. Самарқанд давлат университетининг "Гулдаста" хор жамоаси "Ватан" қўшиғи учун, Қарши давлат университети талабалари Хуршид Ҳалимов ҳамда Малика Ҳамроева "Шукрона" қўшиғи учун биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Н.УСМОНОВА

"THE BALTIC COURSE" ЖУРНАЛИ ЮРТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР ВА ИШОНЧЛИ БАНК ТИЗИМИ ҲАҚИДА

"The Baltic Course" халқаро журналининг электрон саҳифасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизимининг тараққиёти мавзуига бағишланган мақола эълон қилинди.

Унда қайд этилганидек, банк тизими ислоҳотлари республика иқтисодиёти ўсишининг юқори суръатларини таъминлаётган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. "2015 йилда банк тизимининг жами капитали 2014 йилдагига нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7,8 триллион сўмга етди, — деб ёзилади "The Baltic Course" электрон нашрида. — Ўзбекистонда 26 та тижорат банки фаолият кўрсатмоқда, шулардан 3 таси давлатга тегишли бўлиб, бештаси чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик тижорат банкидир. Тизимни янада мустаҳкамлаш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўрилаяпти. Ҳозирги пайтда молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият олиб бораётир, мижозларга тезкор ҳамда кафолатланган банк хизматларини кўрсатмоқда".

Мақолада таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори бу йўналишдаги вазифаларнинг изчил бажарилишида муҳим дастуруламал бўлди.

Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ҳамда 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Бундан ташқари, журналда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилгани, бу халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўп эканлиги ҳам айтиб ўтилган. "Агар 2011 йилда мамлакатнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республиканинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди. Қолаверса, жаҳон миқёсида савдо-сотиқ ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспортга йўналтириладиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг пасайишига қарамасдан, Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришишга муваффақ бўлди".

Мақолада Ўзбекистон банкмолия тизимидаги натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан эътироф этилаётгани мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга кўмаклашаётгани ҳам билдирилган. "Сўнгги йилларда "Moody's", "Standard & Poor's" ҳамда "Fitch Rarings" каби халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини "Барқарор" деб тасдиқламоқда. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан "Бизнесни юритиш — 2016" бўйича эълон қилинган янги рейтингда Ўзбекистон жаҳоннинг 189 давлати орасида "Кредитлаш тизими" бўйича 105-ўриндан 42-ўринга чиққани ҳам эътиборга сазовордир", дея ёзилади журналда.

"Жаҳон" АА.
Рига

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Навоийда "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II республика ёш тадбиркорлар бизнес форумининг вилоят босқичи ўтказилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларнинг истиқболли лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

● **Андижонда "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?" деб номланган тарғибот-ташвиқот тадбирлари бошланди.**

● **Қарши шаҳрида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия" масалалари бўйича маслаҳатчиси республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туманлар босқичида ғолиб бўлган 14 нафар маслаҳатчи учта шарт бўйича беллашди.**

● **Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга бағишланган медиа-тур ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятдаги туман ҳамда шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими масъуллари, ота-оналар, болалар оромгоҳлари ходимлари ва журналистлар иштирок этди.**

ЖАҲОНДА

● **Хитойнинг Шандун провинцияси фуқароси 27 ёшли Ли Цзюань бир йўла тўрт фарзанд (икки ўғил ва икки қиз)ни дунёга келтирди. Бахтли оила уларга Сяобэй (Шимол), Сяонань (Жануб), Сяодун (Шарқ) ва Сяоси (Ғарб) деб исм қўйди. Ҳомиладорликнинг тўққизинчи ҳафтасида Лига тўрт фарзандни кутаётгани маълум қилинган эди. Чақалоқлар муддатидан бироз аввал — ҳомиладорликнинг 33 ҳафтасида дунёга келди. Энг кичик чақалоқ 1,75 килограмм атрофида туғилди.**

● **Гарвард университети тадқиқотчилари бойитилмаган соя, писта ва бошқа ўсимлик мойини кўп миқдорда истеъмол қилиш инсон саломатлигини сезиларли даражада яхшилашини аниқлашди. Олимларнинг сўзига қараганда, ўтказилган тадқиқот ҳозирги кундаги озуқа маҳсулотларидаги ёғларнинг одам организмига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган энг мукаммал илмий иш ҳисобланади.**

● **Дунё рейтингида иккинчи ўринни эгаллаб турган америкалик гольфчи Дастин Жонсон Зика вируси хавфи сабаб "Рио-2016" Олимпиадасида иштирок этмаслигини маълум қилди. Аввалроқ Зика вируси боис гольфчилардан Шимолий ирландиялик Рори Макилрой (дунё рейтингида 4-ўрин) ҳамда австралиялик Жейсон Дэй (рейтинг пешқадами) олимпиадада қатнашишдан бош тортган эди. Гольф спорт тури 1904 йилдан кейин илк бор Ёзги олимпия ўйинлари дастурига айнан Бразилиядаги Олимпиадада киритилган эди. Энди Олимпиадада уч нафар гольфчи иштирок этади.**

КЕЧАГИ ОРЗУ — БУГУН ОДДИЙ ҲАЁТ

Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддудида. Шаҳару қишлоқларимизда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авжида. Буларни кўриб қалбимизда тинч ва осуда ўтаётган ҳар бир кунимиз, фаровон турмушимизга шукроналик, эртанги кунга мустаҳкам ишонч туйғулари жўш уради.

Шу кунларда олий ўқув юртларига қабул мавсуми қизғин паллага кирган. Мактабда таълим берган устозимиз ўғли билан келиб қолди. Уларнинг кайфияти кўтаринки. Юзларида қувонч билан бирга ҳаётдан мамнунлик уфуриб турибди.

– "Afrosiyob" тезюрар поездида келдик, – дейди устозим ғурур билан. – Атиги икки соатда Тошкетга келсам-а, бунга ҳалиям ишонгим келмайди. Поездда инсон, унинг қулай шароитда манзилига омон-эсон етиб олиши учун барча шароитлар муҳайё экан. Бундай поездлар етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Тиқилинчдан одамнинг нафаси қайтадиган, ёзда дим, қишда "тиш такиллайдиган" поездларда юришга мажбур бўлганимиз, бекату вокзалларда кунлаб қолиб кетганларимиз ҳамон эсимда. Бугун қулай ва салқин поездларда худди саёҳат қилаётганга ўхшайсан. Илгари шу манзилга 8 соатда етиб келардик. Бу гапларни айтиш осон, лекин бу кунларга етишгунча қанчадан-қанча меҳнат, заҳматлар чекилган. Ҳар биримиз буни қадрига етишимиз керак!

Яна бир гап: 45 йил мактабда ёшларга таълим-тарбия бердим. Собиқ мустабид тузум даврида аксарият мактаблар ҳашар йўли билан қурилар, оддий пахса деворли мактабда на синфхоналар, на фан кабинетлари ҳисобга олинарди. Хоналарни иситишнинг ўзи бир муаммо эди. Шукрки, у замонлар ўтмишда қолди. Бугун энг чекка қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган кўркам мактаблар бунёд этилмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик меваси, Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Абитуриент йигитга қараб, ёшлигим ёдимга тушди. Мени ҳам отам Тошкентга олиб келган эди. Пойтахтга келиш учун қандай азобларни бошдан кечирганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди.

Қишлоғимиз вилоят марказидан анчагина чеккада жойлашгани учун ҳатто автобус қатнамасди. Эрта азонда қишлоқнинг чанг кўчасидан отам билан шимимиз почаларини қайириб олганча йўлга тушдик. Катта йўлгача қарийб икки соатдан кўпроқ йўл босдик. Пойтахтга бориш истаги, турли орзу-хаёллар оғушида илдам қадамлаб борар эканман, отамни йўл ҳоритганини сезмабман ҳам.

Вилоят марказидаги автовокзалга етиб келганимизда кун пешиндан оғаётган эди. Отам у ёққа югурди, бу ёққа югурди, лекин автобусга чипта ололмади. Кун иссиғида автовокзалда юришнинг ўзи бир азобга айланди. Илтимослардан иш чиқмагач, темир йўл вокзалига йўл олдик. Лекин, афсуски, бу ерда ҳам бизга омад кулиб боқмади. Поездларга чипталар сотиб бўлинган экан. Вокзалда юрган "ишбилармонлар" аҳволимизни кузатиб турган шекилли, асл нархидан икки баробар қимматига умумий вагонга чипта топиб берганди.

Вагон ичи шунчалик дим, иссиқки бир марта тоза ҳаводан нафас олиш учун одам борини ҳам беришга тайёр. Одам кўплигидан чиқаётган ачимсиқ тер ҳидига дош бериш қийин. Овора бўлиб чипта олмасак ҳам бўларкан. Чунки унда кўрсатилган жой аллақачон, ҳатто битта ўринга икки-учтадан ўтирган одамлар билан банд эди. Хуллас, бизга вагонда кетиш насиб этмади, саккиз соатлик йўлни вагон танбурида тик оёқда босиб ўтишга тўғри келди.

Шукурки, бу воқеалар энди хотира. Мустақиллик йилларида юртимизда қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизимининг халқаро талаблар асосида мутасил ривожланаётгани одамларимиз маънавияти юксалишига, уларнинг кайфиятига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Бугун қишлоғимиз кўчаларидан ўтар эканман, деярли ҳар бир хонадон эшигида юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар қўр тўкиб турганини кўриб қувонаман. Кўчалар асфальт, эски мактаб ўрнига икки қаватли замонавий илм маскани, коллеж ва қишлоқ врачлик пунктларининг савлат тўкиб туриши ҳар қандай кишида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Ҳа, булар истиқлол шарофати. Бу Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик самарасидир.

Ҳа, мамлакатимиз эришган ва эришаётган ютуқларнинг қадрига етиш, Ватанимиз мустақиллигини тобора мустаҳкамлаш ишларига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фарзандлик, фуқаролик бурчимиздир.

Лутфулла СУВОНОВ,
ЎзА шахрловчиси

ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида "Йил тарбиячиси – 2016" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ўғил-қизларни замонавий талаблар даражасида тарбиялаш, спорт билан шуғуллантириш, хорижий тилларга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Болажон" мактабгача таълим дастури ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Унда болакайларни ижтимоий-интеллектуал ривожлантиришга оид билим ва кўникмалар ўрин олган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида 286 мактабгача таълим муассасаси капитал реконструкция қилинмоқда. "Таълимда глобал ҳамкорлик" лойиҳаси доирасида кўплаб муассасалар ўқув мебель ва ривожлантирувчи таълим материаллари билан таъминланмоқда.

Танловдан кўзланган асосий мақсад мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, педагогларнинг касб билими ва малакасини ошириш, соҳага инновацион янгиликларни жорий этиш, ижодкор тарбиячиларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Танловда иштирок этган тарбиячиларнинг билим ва истеъдоди тўртта шарт бўйича синовдан ўтказилди. Тест синови, тарбиячиларнинг ўзлари ясаган дидактик материаллари тақдимоти, "Бугунги тарбиячи қандай бўлиши керак?" мавзуидаги чиқиш ҳамда эртак, ҳикоя ва масаллардан парча ижро этиш ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 28-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Гуласал Зайнобиддинова биринчи ўринни қўлга киритди.

– Муассасамизда математика, нутқ ўстириш, саводхонлик, атроф-муҳит ва табиат билан танишиш, мусиқий тарбия, инглиз тили, жисмоний тарбия бўйича машғулотлар ўтказилади, – дейди Гуласал Зайнобиддинова. – Бу танловда қатнашиб, кўплаб ҳамкасбларимнинг тажрибасини ўргандим. "Сеҳрли сандиқча", "Мўъжизакор қутича", "Ажойиботлар олами" номли интерфаол усулдаги ишларим ҳакамларга маъқул бўлди. Янада кўпроқ ишлаш ва изланишга, Ватанимизга нафи тегадиган баркамол болаларни тарбиялашга қўлимдан келганча ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Самарқанд шаҳридаги 60-махсус мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мунаввар Қобилова иккинчи, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 259-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Муниса Олимова учинчи ўринга лойиқ топилди.

(ЎзА)



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ўз бизнесини йўлга қўйиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар сафи тобора кенгаймоқда. Пойтахтлик Нигора Ҳакимова улардан бири.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС АСОСИДА

Тадбиркор уч йил муқаддам оилавий бизнес асосида "Мадина ширинликлари" корхонаси фаолиятини йўлга қўйган. Дастлаб тўрт хил ширинлик тайёрланган цехда бугунга келиб қирқдан зиёд турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ишчилар сони 10 нафардан ошди. Ёшларга қандолатчилик сир-асрорларини ўргатиш мақсадида "устоз-шогирд" мактаби шакллантирилди. Тадбиркорнинг таъкидлашича, буюртмачилар талабидан келиб чиқиб, келгусида ишлаб чиқариш ҳажми ва иш ўринлари янада кенгайтирилиши режалаштирилган.

СУРАТДА: корхона ишчилари Ҳалима Тўйчиева ва Ирода Зокирова.

Оқил Ғуломов (ЎзА) олган сурат

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР КАТТА ҲАЁТ САРИ

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ. Уни юксалтириш учун эса юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш талаб этилади.

Мамлакатимизда юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб бера оладиган юридик кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тошкент давлат юридик университети битирувчиларига диплом топшириш маросимида сўзга чиққанлар томонидан бу ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд, Олий хўжалик суди раҳбарияти ва ходимлари, битирувчилар ҳамда уларнинг яқинлари иштирок этишди.

Тошкент давлат юридик университети юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Мазкур таълим даргоҳида талабалар учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, замонавий ўқув хоналари ва моддий техник база яратилган. Ўқув, илмий-услубий бўлинмалар, кафедралар ўқитишнинг замонавий техник воситалари, ахборот-коммуникация тизимларини ва дастурий мажмуалар билан таъминланган. Жорий йилда ушбу олий таълим муассасасини юриспруденция мутахассисликлари бўйича 313 нафар талаба бакалавр ва 130 нафари магистратура босқичини тамомлади.

– Бугун менинг ҳаётимда унутилмас кун, – дейди битирувчи Фарангиз Фахриддинова. – Мен ўз мутахассислигим бўйича дипломга эга бўлдим. Қувончимнинг чеки йўқ. Биз бу ерда профессор-ўқитувчилардан олган билимларимизни амалиётда қўллаб, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Абдували СОДИҚОВ

ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Электр энергияси муҳим ресурслардан бири бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ва саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида электр энергетика тармоғи модернизация қилинмоқда, техник қайта жиҳозланди, замонавий электротехника ускуналари, янги технология ва ахборот-ўлчаш техникаси кенг жорий этилмоқда, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда.

Истиқлол йилларида иссиқлик электр станцияларидаги энергетика ускуналари реконструкция ва модернизация қилинаётгани ҳамда янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилаётгани самарасида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми сезиларли равишда ошмоқда. Жумладан, ўтган йили "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти электр станциялари томонидан 55,5 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга 7,9 миллион гигокалория иссиқлик энергияси етказиб берилди. 1,3 миллиард киловатт/соат электр энергияси экспорт қилинди.

Иқтисодиётимиз ва аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бораётгани натижасида мамлакатимизда электр энергиясига эҳтиёж ортмоқда. Ушбу эҳтиёжни таъминлаш мақсадида энергия тизими қувватлари сезиларли равишда оширилди. Бу борада ишлаб чиқарилаётган энергия ҳажмини оширишга қаратилган қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, Янги Ангрен ИЭСда 300 мегаватт ва Талимаржон ИЭСда 800 мегаватт қувватга эга янги энергия блоки ишга туширилди. Навоий ИЭСни кенгайтириш ва 478 мегаваттли замонавий буғ-газ қурилмаси барпо этиш лойиҳаси амалга оширилди. Тошкент иссиқлик электр марказида 27 мегаваттли когенерацион газ-турбина қурилмаси ишга туширилди. Ноанъанавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш лойиҳалари доирасида Сирдарё ва Талимаржон ИЭСда детандер-генераторли агрегатлар жорий қилинди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш баробарида, электр энергияси исрофини камайтириш ва уни барқарор етказиб беришни таъминлайдиган магистрал ва тақсимлаш тармоқларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди. Мамлакатимизда юқори вольтли линиялар тармоғининг узунлиги 200 минг километрдан ошади.

Мустақиллик йилларида турли қувватга эга 4 минг километрдан зиёд электр узатиш линиялари фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларини электр энергияси билан ишончли таъминлайдиган кўплаб объектлар ишга туширилди. Масалан, 2005 йилда "Сўғдиёна" нимстанциясининг фойдаланишга топширилиши туфайли мамлакатимизнинг жанубий-ғарбий ҳудудларида яшаётган истеъмолчиларни электр билан таъминлаш ва уни транспортировка қилишда исрофларни камайтиришга эришилди. Алоқани кучайтириш ва энергия тизимининг марказий қисмидан Фарғона водийсига қўшимча энергия етказиб бериш учун Янгри Ангрен ИЭСдан қабул қилувчи "Ўзбекистон" нимстанциясигача электр узатиш линиялари барпо этилди. "Ғузор" ва "Сурхон" электр нимстанциялари оралиғида узунлиги 197,8 километр электр узатиш линиясининг қурилиши ва иккинчи гуруҳ трансформаторларининг ўрнатилиши натижасида Сурхондарё вилоятини электр энергияси билан таъминлаш сифати ошди ҳамда электр энергиясини экспорт қилиш бўйича қўшимча имкониятлар яратилди.

Гидроэнергетика соҳасида ҳам кўплаб салмоқли ютуқларга эришилди. Айни пайтда мавжуд гидроэлектростанцияларни модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Жумладан, "Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторларини модернизация қилиш ва ишчи ғилдиракларини алмаштириш" лойиҳаси асосида 1,2 ва 3-гидроагрегатлар модернизация қилинди. 2016-2020 йилларда умумий қуввати 23,5 мегаватт бўлган 4 янги гидроэлектростанция қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, мавжуд 11 ГЭС модернизация ва реконструкция қилиниб, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати 105,8 мегаваттга оширилади. Буларнинг барчаси ушбу ГЭСларда йилига электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача 521,7 миллион киловатт/соатга ошириш имконини беради.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилгани тўлов интизомини яхшилашга ёрдам бермоқда. Электр энергиясини ҳисобга олиш тизимига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилиб, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди. Бунинг самарасида технологик исрофларни камайтириш, электр ресурсларини етказиб беришни аниқ ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилди. Тизимнинг оптимал ишлаш тартиби ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни имконини бераётир. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими иш самарадорлигини ошириш мақсадида электр тармоқлари ва истеъмолчиларга 5 миллиондан ортиқ замонавий электрон ҳисобга олиш приборларини ўрнатишни режалаштирмоқда.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш энергетиканинг энергия ресурсларини диверсификация қилиш имконини берадиган истиқболли йўналишларидан биридир. Шамол ва қуёш энергиясидан саноат миқёсида фойдаланиш электр ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун табиий газ истеъмолини ва атмосферага чиқадиган зарарли моддаларни сезиларли равишда камайтириш имконини беради. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида юртимиздаги кўплаб Саховат ва Меҳрибонлик уйлари, қишлоқ врачлик пунктларида гелиоқурилмалар ўрнатилмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд вилоятида 100 мегаватт қувватга эга фотоэлектр станцияси барпо этилмоқда. Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ҳам шундай станциялар қуриш масаласи кўриб чиқилаётир. Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувват билан ишлайдиган қуёш фотоэлектр станцияси синовдан ўтказилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз энергетика тармоғида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилишга доир 23 йирик инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Талимаржон ИЭСни кенгайтириш ва ҳар бири 450 мегаватт қувватга эга икки буғ-газ қурилмасини барпо этиш ишлари амалга оширилаётир. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида Фарғона водийси истеъмолчиларини электр энергияси билан ишончли таъминлаш учун умумий қуввати 900 мегаватт бўлган буғ-газ қурилмали иссиқлик электр станцияси қурилмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимиздаги бундай йирик энергетика корхоналарининг реконструкция ва модернизация қилиниб, янгилари барпо этилаётгани миллий энергия тизимини янада такомиллаштириш ва уни сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига кўтариш имконини бермоқда.

Р.БОНДАРЧУК

Сўз – халқаро ярмарка иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ ШИРИНЛИГИ, ЭКОЛОГИК СОФЛИГИ ВА РАНГ-БАРАНГЛИГИ БИЛАН ШУҲРАТ ҚОЗОНГАН

ЎзА мухбирлари Тошкент шаҳрида ўтаётган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси иштирокчиларининг таассуротлари билан қизиқди.

Мануэль МУНЬОЗ, "Iberus" компанияси савдо директори (Испания):

– Юксак савияда ташкил этилган халқаро ярмарка давомида Ўзбекистоннинг мева-сабзавотчилик соҳасида улкан салоҳиятга эга эканига, бу ерда аграр саноат юксак даражада ривожланганига ишонч ҳосил қилдик. Мамлакатингизда нафақат ширин-шакар мевалар, тотли сабзавотлар етиштирилишига, балки улар халқаро стандартлар асосида қайта ишланаётганига ҳам амин бўлдик.

Ярмарка стендларидаги хилма-хил мева-сабзавотларни, уларни қайта ишлаш орқали тайёрланган маҳсулотларнинг кўплиги ва хилма-хиллигини кўриб, кўз қувонади. Улар энг нозиктаъб, талабчан харидорга ҳам манзур бўлмоқда. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд муносабатларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистондан Испанияга катта ҳажмдаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ниятидамиз. Хусусан, мамлакатингиз вилоятларидаги тадбиркорлар билан нўхат, ловия, ёнғоқ сотиб олиш бўйича шартнома тузмоқчимиз. Ярмарка доирасида "Жиззах" махсус индустриал зонасида мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонаси барпо этиш учун 10 миллион долларлик инвестиция киритишга келишиб олдик.

Луижи ИПЕРТИ, "Италия-Ўзбекистон" қўшма савдо палатаси президенти, "Techint Industrial Corporation Spa" компанияси ижрочи директори (Италия):

– Мамлакатингизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва аҳолига етказиб бериш жараёни пухта шаклланган ва бу бўйича катта тажриба тўпланган эътиборга молик.

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳаларда изчил тараққий этмоқда. Ташкилотимиз 16 йилдан буён мамлакатингиз билан савдо ва сармоявий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда фаол иштирок этиш ниятидамиз. Бу борада Тошкентда ўтаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг аҳамияти катта. Ушбу форум мамлакатингизда аграр саноатнинг истиқболли йўналишлари билан янада яқинроқ танишиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича фойдали шартномалар имзолаш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан музокара олиб бориш имконини бермоқда.

Казуми МАЕДА, "Chuo Sangyo Shinko" уюшмаси раҳбари (Япония):

– Халқаро ярмарка юксак савияда ташкил этилган. У ҳар томонлама фойдали бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Анжуманда иштирокчиларга музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қулайлик ва шарт-шароит муҳайё этилаётганидан миннатдормиз.

Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар мазаси, табиийлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Мамлакатингиз корхоналари томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар ғоят харидоргир, энг муҳими, халқаро сифат стандартларига мос.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳаси, айниқса, мева-сабзавотчилик тармоғи жадал ривожланиб бораётгани ва мамлакатингиз бозори катта истиқболга эга экани таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Гинтарас ПАКТИС, "Agro Top Servis" компанияси директори (Латвия):

– Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар хорижликларнинг ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кўплаб мамлакатларда Ўзбекистонда етиштириладиган мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари севиб истеъмол қилинади, жуда қадрланади. Боиси, серқуёш мамлакатингизда етиштириладиган мева-сабзавотлар ширинлиги, экологик софлиги ва ранг-баранглиги билан шуҳрат қозонган.

Ярмарка доирасида Жиззах вилоятининг "Зомин эко саноат" масъулияти чекланган жамияти билан қуритилган пиёз, қалампир, булғор қалампири, олхўри ва ўрик экспорти бўйича шартнома имзолаш ниятидамиз.

Ирина ЯЦУХНО, "Караван XXI век" компанияси савдо директори (Беларусь Республикаси):

– Ярмарка доирасида "Экоагропродукт" фермер хўжалигининг интенсив боғларида бўлдик. Маҳсулот етиштириш жараёни илғор замонавий технологияларга асосланган, дарахтларга ишлов бериш, уларни озиқлантириш ва бошқа тадбирлар халқаро талабларга тўла жавоб беради.

Компаниямиз Беларусь Республикасида 60 дан ортиқ савдо нуқталарига эга. Ўзбекистоннинг сархил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ушбу тармоқ орқали истеъмолчиларга етказиб берамиз. Ишончим комилки, бундай экологик тоза ва сифатли маҳсулотлардан харидорларимиз мамнун бўлади.

Алан РЕНО, "Food Beverage" компанияси вакили (АҚШ):

– Ўзбекистон ҳақида, бу ерда етиштириладиган мева-сабзавотлар ҳақида кўп эшитгандим, ўқиганман. Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида иштирок этиб бу маҳсулотларни татиб кўриш имкониятига эга бўлдим. Мамлакатингизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар ўзининг хуштаъмлиги, витаминларга бойлиги билан ажралиб туради.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари танқис бўлиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда бу турдаги маҳсулотларни етиштириш ҳажми ортаётгани таҳсинга сазовордир.

Ярмарка давомида ўзбекистонлик тадбиркорлар билан фаол ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш бўйича музокаралар олиб бормоқдамиз.

Питер АНДЕРСЕН, "Radisson Blu Hotel Tashkent" бош директори:

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти изчил тараққий этмоқда. Қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, хорижий сармоядорларга берилаётган имтиёзлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотларнинг натижаларини дунё жамоатчилигига кенг намойиш этиш учун қулай майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мамлакатингиз наинки ўзининг меъморий обидалари, балки бетакрор табиати, кўркам боғ-роғлари, тотли мевалари билан ҳам хорижликларни мафтун этаётгани Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимининг ортиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
Сайёра ШОЕВА,
Беҳзод БОЗОРОВ
ёзиб олди.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 18

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Жийда гули".
7.35 "Тандир. Арча. Олов". Ҳ/ф.
7.50 "Иқлим".
8.00 "Таҳлилнома".
8.35 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.05 "Мўъжизалар макони".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Иқлим".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўжар малика". Б/ф.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес-старт".
15.30 "Иқлим".
15.45 "Таҳлил-25".
16.10 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Қитъаларнинг мавжудлик сири". Ҳ/ф. 1-қисм.
18.20 "Имконият".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 23.50 "Ошпаз қиз". Б/ф.
23.50 "Менинг боғим".
00.05 "Имконият".
00.25 Миллий сериал: "Жийда гули".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Ўтов". Б/ф.
3.50 "Анонс".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Масхарабоз". Б/ф.
7.30 "13-студия".
8.00 "Ош бўлсин!"
8.30 "Изабелла". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот"-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Тўмарис". Ҳ/ф.
11.30 "Шарқ гавҳари".
12.00 "Қасоскор". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Ғаройиб энага". Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Атлантида". Т/с.
17.00 "Камолот"-инфо".
17.10 "Мусиқа ва санъат ёшлар қалбида".
17.30 "Этикдўз". Б/ф.
18.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Қасоскор". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Гирдоб-6". Т/с.
00.30 "Мўъжизавий дунё".
1.20 "Афсона ва ҳақиқат".
4.10 "Ёшлар боғи".
4.30 "Юртим жамоли".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Сени дедим". Т/с. /Премьера/.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Мустақиллик иншоотлари".
21.30 "Poytaxt-eko".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Герой". Ҳ/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.20 "Ҳикматли дунё". "Мафтуна".
1.10 "Пойтахт йўлларида".
1.35 "Кинотақдим".
2.15 "Кўнгил ҳайратлари".
2.45 "Мен сизга айтсам".
3.20 "Бахт қўрғони".
3.45 "Poytaxt-eko".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.30 "Камолот" спорт".
7.00 "Sport-online".
8.00 Талқин.
8.35 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси.
10.10 "Универсиада".
10.40 Дзюдо. Мастерс турнири.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Велоспорт.
14.00 Хабарлар.
14.20 Интерфутбол.
16.05 "Чемпион".
16.35 Теннис.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар.
18.50 "Техноспорт".
19.05 Дзюдо. Мастерс турнири.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.55 Интерфутбол.
22.45 "Профессионал бокс.
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Велоспорт.
1.00 Хабарлар.
1.25 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси.
3.00 Дзюдо. Мастерс турнири.
4.25 "Эътироф".
4.40 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
6.40 "Турфа маслаҳат".
7.10 Миллий кино. "Катта ховли".
22.25 "TV анонс".
22.30 "Осуда ҳаёт".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Маҳалламиз Зулфиялари".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
00.40 "Нуроний фасл".
1.05 Миллий кино. "Айрилиқ".
2.25 "Бизнес ва тараққиёт".
3.00 Миллий сериал. "Сержантлар".
3.35 "Идрок харитаси".
4.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
4.40 "Бола бошидан".
5.20 – 6.00 "Меҳр қолур". Ток-шоу.

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "До-ми-соль".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Эртаклар оламида".
12.00 "Катта танаффус".
12.20 "Табиатшунос болажон".
12.30 "Болалар учун фильм".
13.30 "Саргузаштлар ороли".
14.00 "Мультипанорама".
15.20 "Табиатга саёҳат".
15.40 "Story time".
16.00 "Ланди-ланди".
16.10 "Мультипанорама".
17.20 "Миттивойлар мусобақаси".
17.40 "Билағон болажон".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Боғбон болажон".
19.40 "Соғлом болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Ақлли планшет".
21.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Келдию кетди". Б/ф.
7.35 Миллий кино. "Муғомбир куёвлар".
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. "Қочоқ".
10.20 "Қочоқ". Б/ф. 2-қисм.
11.25 "Неуправляемый". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Қақнус".
14.05 "Фаришталар шаҳри". Б/ф.
15.40 Болалар экрани. "Устоз Рон Кларк".
17.05 "Бебаҳо қўллар". Б/ф.
19.00 "Брюс Ли ҳақида афсона". Т/с.
19.55 Миллий кино. "Учар қиз".
21.35 "Ҳафта юлдузи". Адриано Челентано.
21.55 Жаҳон киноси. "Қайсарнинг қуюлиши".
23.30 "Фаввос". Қисқа метражли бадиий фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Замерзшая из Майами". Ҳ/ф.
1.35 "Гурур ва эҳтирос". Б/ф.
3.40 "Йўлбошчи". Б/ф.
5.00 – 6.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".

ЧОРШАНБА, 20

Ўзбекистон

Қадрли телетомошабинлар! Рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика олиб борилиши муносабати билан соат 06.00 дан 12.00 гача теледастурларимизни фақат аналог русумидаги телевизорларда кўриш мумкин бўлади.
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Жийда гули".
7.35 "Паландара жилолари". Ҳ/ф.
7.50 "Иқлим".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.10 "Ягона оилада".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
9.50 "Иқлим".
10.00 "Тадбиркорлик телеклуби".
10.40 "Таҳлил-25".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Шаҳарлик куёв". Теленовелла.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Менинг ҳуқуқим".
14.35 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
15.20 "Иқлим".
15.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
16.30 "Бизнес-старт".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Парламент ҳаёти".
17.25 "Қитъаларнинг мавжудлик сири". Ҳ/ф. 3-қисм.
18.20 "Менинг боғим".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
20.30 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Баркамол авлод".
22.10 – 00.10 "Севги мактуби". Б/ф.
00.10 "Анонс".
00.25 Миллий сериал: "Жийда гули".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Қасамёд". Б/ф.
3.40 "Таҳлил -25".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 "Менинг боғим".
5.25– 5.55 "Баркамол авлод".

Ёшлар

Қадрли телетомошабинлар! Рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика олиб борилиши муносабати билан соат 06.00 дан 12.00 гача теледастурларимизни фақат аналог русумидаги телевизорларда кўриш мумкин бўлади.
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Юзсиз". Б/ф.
7.30 "13-студия".
8.00 "Ош бўлсин!"
8.30 "Изабелла". Т/с.
9.40 "Истиқлол тенгдошлари".
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ахборот қамкор".
11.10 "Робинзон Крузонинг саргузашти". Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Атлантида". Т/с.
17.00 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол тенгдошлари".
17.10 "Фан ва ёшлар".
17.30 "Йўл азоби". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Эгри йўлнинг адоги".
20.40 "Юртим жамоли".
21.00 "Қасоскор". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Гирдоб-6". Т/с.
00.30 "Мўъжизавий дунё".
1.20 "Афсона ва ҳақиқат".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

Қадрли телетомошабинлар! Рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика олиб борилиши муносабати билан соат 06.00 дан 12.00 гача теледастурларимизни фақат аналог русумидаги телевизорларда кўриш мумкин бўлади.
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Бахт маликаси". Т/с.
10.45 "Poytaxt-madaniyat".
11.15 "Кадр ортида".
11.35 "Кинотақдим".
12.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.50 "Пойтахт-авто".
